

“ҚАДРИЯТЛАР СОҲАСИ” ВА “АКСИОЛОГИЯ ҚОНУНИЯТЛАРИ” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Ҳаким Примович ТЎХТАЕВ

профессор в.б.

Ўзбекистон миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

tuxtaevxakim0@gmail.com

Аннотация

Мақолада, “Қадриятлар соҳаси” ва “Аксиология қонуниятлари” тушунчаларининг ижтимоий-фалсафий таҳлили келтирилиб, аксиология қонуниятлари кенг қамровли тушунча эканлиги баён этилган. Қатор ижтимоий-маънавий ҳамда ижтимоий мезон сифатидаги хусусиятлар, ҳар бир жамиятнинг ўз қадриятларини бойитишда аввало моддий, қолаверса, маънавий ҳаёт соҳаларига ҳар томонлама муносиб аксиологик тамойилларнинг мақсадга мувофиқ эканлиги ҳамда “Қадриятлар соҳаси”нинг қонуниятлари таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: қадриятлар соҳаси, аксиология қонуниятлари, қадрият, инсон, ҳаётий қадрият, маънавий омиллар, қадриятшунослик қонуниятлари, аксиологик тизимлар, аксиологик мезонлар, жамият янгиланиши, маънавий ҳаёт, маънавий-руҳий мезонлар.

СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ПОНЯТИЙ «СФЕРА ЦЕННОСТЕЙ» И «ЗАКОНЫ АКСИОЛОГИИ»

Ҳаким Примович ТУХТАЕВ

и.о.профессора

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

tuxtayevxakim0@gmail.com

Аннотация

В статье проводится социально-философский анализ понятий «сфера ценностей» и «законы аксиологии», которые показывают, что законы аксиологии представляют собой всеобъемлющее понятие, совокупность социально-духовных и социальных критериальных характеристик, ценностно обогащающих каждое общества, в первую очередь, во всех отношениях они подходят для материальной, а также для духовной сфер жизни, анализируется уместность аксиологических принципов и законов «сферы ценностей».

Ключевые слова: сфера ценностей, законы аксиологии, ценность, человек, жизненная ценность, духовные факторы, законы ценностной науки, аксиологические системы, аксиологические критерии, социальное обновление, духовная жизнь, духовно-психологические критерии.

Башариятнинг кўп асрлик тарихига назар ташласак, тараққиётнинг ҳар бир босқичида инсоният ҳаётнинг маъносини тушунишга ҳаракат қилиб, у тўғридаги турли қарашлар, фикрлар юзага келишига, ўз навбатида, янги қирралар очилишига туртки бўлган. Барча фалсафий-ижтимоий тушунчалар қатори “Қадриятлар соҳаси” ва “Аксиология қонуниятлари” тушунчаларининг моҳиятини ҳам ана шу тарихий тараққиёт асосида ёритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки инсониятнинг илк маданий тараққиёт давларидан бошлаб бугунги ривожланган замонда ҳам ижтимоий-фалсафий фикр эгаларини бу жиҳатлар қизиқтириб келади.

Дунё олимлари эътибор марказида турган илмий муаммолар қаторида юқоридаги таянч тушунчаларнинг ҳаётий жараёнлар билан узвийлиги масаласи муҳим аҳамиятга эга, албатта. Хилма-хил шакл ва кўринишдаги таҳдидлар авж олган ҳозирги дунёда “Қадриятлар соҳаси” ва “Аксиология қонуниятлари” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини тавсифлаш, шу доирадаги муаммоларни ечиш учун уларнинг ўзига хос табиатини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Жаҳон илм-фанида бу каби мезонлар “Қадриятлар соҳаси”, “Аксиология қонуниятлари” тушунчаси қамровига киритилган. Аслида аксиология қонуниятлари анчайин кенг қамровли тушунча бўлиб, қатор ижтимоий-маънавий хусусиятларни ўз ичига олади.

Фан тарихида “Қадриятлар соҳаси”, “Аксиология қонуниятлари” тушунчаларига доир айрим фикр ва қарашлар учрайди. Фикр ва қарашлардаги хилма-хиллик табиийки, Шарқ ва Ғарбнинг хос жиҳатлари, қадриятлар борасидаги турлича нуқтаи назар самараси ҳисобланади. Ўрта аср алломалари, шунингдек, дунё эътиборини қозонган олимлар асарларида фикр юритилаётган мавзунинг турли жиҳатларига доир қимматли мулоҳазалар учрайди.

Айтиш жоизки, бири иккинчисидан келиб чиқадиган, бир-бирини тақозо этадиган бу тушунчаларни чалкаштирмаслик, бир маънода қўллаш мумкин эмас. Шу жиҳатдан “аксиологик воқеа ва ҳодисалар амалга ошадиган ва ўз

доирасида шунга оид қадриятлар яратиладиган ва тарқатиладиган қадриятлар соҳаси ижтимоий ҳаётнинг турлича намоён бўладиган бир жиҳатидир” [3].

Ижтимоий ҳаётнинг ажралмас таркибий қисми бўлган “қадриятлар соҳаси” анъана, урф-одат, миллий менталитетга мос жиҳатлар, маданий ва маънавий ғоя ва қарашлар уйғунлиги билан тавсифланади. “Қадриятлар соҳаси” ва “Аксиология қонуниятлари” тушунчаларини умумий, мавҳум атама сифатида баҳоламаслик керак. Сабаби, ҳар қандай соҳада бўлганидек, аксиологияда ҳам бошқаларда учрамайдиган хос жиҳатлар мавжуд. Ушбу “мураккаб ва серқирра тушунчани илмий синергетик талқини асосида тушунилса, унинг барча жиҳатлари ва хусусиятлари бутунлай йўқолиб кетмайди, албатта” [4].

“Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати”да, “Қадрият инсон ва жамият маънавиятининг таркибий қисми, оламдаги воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаб ва тартибларнинг қадрини ифодалайди” [5] дейилади. Мазкур тушунчадаги “қадриятлар” сўзи инсоннинг, аввало, ижтимоий-маданий жиҳатдан моҳиятини ифодалаб, шахс, миллат ва жамиятнинг моддиятдан йироқ, ўзаро маънавий ва маданий муносабатлари ҳамда ҳаётий қадриятларини ўзида акс эттиради.

“Қадриятлар” тушунчасига файласуф А.Эркаев қуйидагича таъриф беради: “Қадриятлар – ижтимоий онгнинг нисбатан умумий (умуммиллий) аҳамият касб этган, эътиқод ва қадриятлар даражасига кўтарилган собит эҳтирослари, тушунчалари, меъёрлари, ижтимоий мўлжаллари, амалларидир, уларнинг бадиий, илмий, фалсафий, диний меросда, урф-одатларда объективлашган тизими ҳамда миллатни муайян мақсадларга эришиш учун йўналтирадиган миллий ирода, миллий ғурур ва ор-номусдир. У жамиятда қарор топган ва инсоннинг асл мавжудлигини таъминлайдиган ақлий ва ҳиссий, руҳий ва мафкуравий муҳитдир” [9].

Проф.Ф.Мусаевнинг “Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари” [6] номли монографиясида мустақиллик йилларида амалга оширилган маънавий-маърифий ислохотларга демократик қадрият мезонлари

сифатида қаралади.

“Фалсафа: изоҳли луғат”да қадрият тушунчасига берилган турли таъриф ва тавсифларни умумлаштирувчи мезонни аниқлашга уринилган. Пировардида шундай хулоса бериладики, “Қадриятлар” тушунчаси аксарият фалсафий системаларда инсон учун аҳамиятли нарсалар ривожланишининг юксак тараққий қилган шаклига нисбатан ишлатилган” [8; 419].

Шу ўринда илмий адабиётларда “қадрият” тушунчасига кўпроқ ижтимоий-фалсафий жиҳатдан ёндашилганига гувоҳ бўламиз. Бунда аксиологик тарафидан кўра, қадриятларнинг умумлашиб, яхлит ҳодиса кўринишида юзага чиқадиган ижтимоий мезон сифатидаги хусусиятига аҳамият қаратилади. Бундай тавсифларда ижтимоий таҳлил устувор эканлиги сезилиб, қадриятларнинг одамларни қалбан ва руҳан улғайтириши, ички оламини бойитиб, руҳини поклаши, иймон-эътиқодини мустаҳкамлаб, инсоф-у адолат туйғуларини рағбатлантириши масалаларига урғу берилади. Шу билан бирга қадриятларнинг жамият аъзолари таянадиган кучли руҳий омил сифатидаги асосий хусусияти ёритилади.

Жаҳондаги барча давлатлар қатори демократик жамият яратиш йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳам бундай тизимни ташкил қиладиган турли жиҳат ва маънавий омиллар бекиёс аҳамиятга эга. Соҳада ўзаро мутаносиблик, жамоа ўртасидаги муайян муносабатлар билан жамият ижтимоий қурилишидаги мустаҳкам боғлиқлик асосида юзага келади. Устоз олим И.Эргашев таъкидлаганидек, “...бундай ўзаро боғлиқлик миллий ва умумбашарий қадрият ҳисобланаётган демократиянинг асосий маънавий кучи ва имкониятларини яққол кўрсатади” [10].

Ўз ўрнида бу каби узвий боғлиқлик инсонлар ҳаётидаги маълум давр қадриятларининг умумий кўриниши учун асос бўлиб, улардаги умумийлик, мутаносиблик, янгиланувчанликни ифодалайди ҳамда ушбу жараёнларга ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, бугунги кунда жамият аъзолари ўртасидаги муносабатлар илм-фан, адабиёт-санъат, маданият ва маърифат каби қатор йўналишлар маънавий ҳаётимиздаги ривожланишнинг ўзига хос

жиҳатларининг маълум мезонларига чамбарчас боғлиқдир. Қадриятшунослик қонуниятлари эса саналганларнинг ҳар бири учун асос, таянч ҳисобланиб, бу йўналишдаги жараёнлар тадрижга ва мазмунига тўғридан-тўғри таъсир ўтказади.

Маънавий ҳаётдаги барча ижтимоий жиҳатлар ҳамда ҳалоллик, ўзаро оқибат, бурч ва садоқат, масъулият, тўғрилиқ, виждонлиқ каби қатор инсоний фазилатлар ва шу асосда шаклланган барча қадриятлар аксиология қонуниятлари тушунчасида жамланади, акс этади. Яъни қадриятлар фақат инсоний фазилатлар ёки одамлардаги ижобий хусусиятлар жамланмаси бўлиб қолмай, балки ўша инсонлар ташкил қилган жамиятдаги маънавий қарашлар мажмуи сифатида унинг муҳим таркибий қисмига айланади.

Инсоннинг объектив оламга нисбатан актив фаолияти, моддий ва маънавий муҳит, яшаш шарт-шароитлари буткул янгиланишлар асосида содир бўлиб, янги-янги қадриятларнинг шаклланишига, ўтмишдан мерос бўлиб қолганлари эса давр руҳи янги ижтимоий эҳтиёж талаблари асосида ривожланишига олиб келади. Бунинг натижасида ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий тараққиётнинг имкониятлари ҳам кенгаяди. Жамият тарққиёти жараёнида шаклланган ҳар қандай ҳодиса ўтмишда ижобий аҳамият касб этгани учунгина эмас, балки келажак истиқболи учун янги имкониятлар яратиб беришга қодир бўлганлиги сабабли ҳам қадрият деб аталади.

Қадриятлар кишиларнинг турли соҳадаги, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун фойда келтирадиган нарсалар, ҳодисалар мажмуаси билан боғлиқ равишда юзага келади. Ҳар бир қадриятнинг моҳияти ва аҳамияти табиат, жамият ва руҳий олам ҳодисаларини билиш, илмий умумлаштириш, ижтимоий ва маънавий тараққиётга таъсир этиш имкониятлари асосида белгиланади. Қадриятларнинг кўплиги, мазмуни, уларни аниқлаш ва эътиқод қилиш – инсоннинг билиш қобилияти ва амалий имкониятлари такомиллашиб, чуқурлашиб, кенгайиб бораётганини ифодалайди. Янги қадриятлар

юзага келиши – инсоннинг маънавий борасида билимлари ворислик асосида давом этаётганининг ифодасидир.

Бугунги кун талаблари ва янги шароит ва имкониятлар асосида шаклланаётган ижтимоий маънавий ҳодисалар қадрият ҳисобланади. Янги Ўзбекистон мустақиллиги мерос эмас, балки қадриятдир. Ўтмишда айрим даврларда ўзбек халқи мустақил бўлган бўлса ҳам, у ҳозирги кундаги мустақилликдек моҳиятга эга бўлган эмас. Тараққиётнинг ҳозирги вазифалари ва миллат манфаатларига мос келувчи жамият мафкураси, бу мафкурани яратишда ўтмиш меросидан, қадриятларидан унумли фойдаланилса ҳам, у Янги Ўзбекистон даврида шаклланган қадрият сифатида майдонга келади. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан-авлодларга қолдириш, давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир” [1].

Дарҳақиқат, қадрият келажак авлод ривожини учун янги имкониятлар яратиб берадиган моддий ва маънавий бойликдир. Қадриятларнинг моҳиятини аниқлашда жамият аъзоларнинг умумий маънавий камолоти, ижтимоий, миллий онгининг етуқлиги ҳам катта аҳамиятга эгадир. Маънавий етук жамият миллий қадриятларнинг мазмуни ва моҳиятини тўғри баҳолаш имконига эга бўлади.

Ушбу ҳолатдан фарқли равишда “Қадриятлар соҳаси” тушунчасини одатда, қатор йўналишлар билан боғланган, ижтимоий ҳаёт соҳаларига кўра турли-туман маъноларни ифодаладиган тушунча сифатида қўлланишига гувоҳ бўламиз. Илмий жиҳатдан ёндашганда ушбу тушунча қатор узвий характердаги субъектлар ташкил қиладиган тизим сифатида қабул қилинади. Ушбу ҳодиса жамиятдаги қадриятлар соҳасининг ўзигагина хос жиҳатлари билан ажралиб турадиган муносабатлар тизими сифатида юз беражак аксиологик жараёнларда юзага чиқиши табиий.

Агар “Қадриятлар соҳаси” категориясига аксиологик тизимлар табиатига хос тамойиллар асосида ёндашилса, улар ҳамма аксиологик тузилмаларга оид умумий мезон ҳисобланиши аён бўлади. Бунда муайян жамиятдаги қадриятлар соҳаси шу давлат ёки ҳудудга ҳар жиҳатдан боғлиқ бўлиб, қўшни ҳудуддаги маданий, маърифий ва ғоявий омиллар таъсирини ҳам акс эттиради, албатта.

Дунёдаги ҳар қандай маърифатли жамият сингари мамлакатимизда ҳам қадриятлар соҳаси маданият, ахлоқий қарашлар, дин ва бошқа соҳалардаги жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ. Бундан келиб чиқадики, қайсидир минтақа ё ҳудуддаги аксиологик мезонлар ўзгариб туриши мумкин, аммо қадриятлар ва унинг таркибидаги маънавий, маърифий, диний соҳадаги давомийликни юзага келтирувчи анъаналар ўз ўрнини йўқотмайди.

Бу ҳолат “Аксиология қонунлари” ва “Қадриятлар соҳаси” тушунчалари бир-бирига қарши қўйилмаслиги ва уларни алоҳида-алоҳида ўрганиш нотўғри эканлигини кўрсатади. Методологик жиҳатдан қараганда, жамият аъзоларининг умумий мақсадларига мос келадиган тотувликни таъминлаш асосий аҳамиятга эга. Бундан ташқари, қандай бўлмасин ҳар бир жамиятнинг ўз қадриятларини бойитишда, аввало моддий, қолаверса, маънавий ҳаёт соҳаларига ҳар томонлама муносиб аксиологик тамойилларни диққат марказида тутиши мақсадга мувофиқ. Чунки шундагина аксиологик ва маънавий соҳалар уйғунлигига эришиш мумкин. Бу борада яна бир муҳим манба “Фалсафа: изоҳли луғати”да таъкидланганидек, “ушбу ҳаёт соҳаларини бир-биридан ажратиш, бирини бошқасига қарама-қарши қўйиш, бирини бўрттириш, мутлақлаштириш, қолганларини менсимаслик ёки иккинчи даражали деб ўйлаш қўплаб хато ва янглишишлар, йўқотишларга олиб келиши мумкинлигини унутмаслик лозим” [8; 419].

“Аксиология қонуниятлари” тушунчаси эса ҳар қандай давлат ва жамиятнинг шу соҳадаги ислохотлари учун асосий дастур, марказий тушунча бўлиб ҳисобланади. Айни вақтда маънавийлик жамият ҳаётининг мазмуни бўлиб, инсонлар ҳаёт тарзининг инъикосини ифодалайди. Шу асосда вужудга келиб, шаклланган маънавий қадриятлар муайян жамиятдаги қадриятлар

соҳасининг мавжудлик тамойиллари жамини акс эттириб, унинг қўлланиш ва тараққий этиш ҳолатини кўрсатади.

“Аксиология қонунлари” тушунчаси муайян жамият ривожини билан ҳамоҳангликда юзага келадиган, қатор умумий жиҳатлар билан бирга кўплаб ўзига хосликларда намоён бўладиган инсон ижтимоий фаолиятининг мазмуни ҳамда ҳаётнинг аксиологик мезонларини жамлайдиган меъёрлар йиғиндиси.

Табиийки, ушбу таърифни тақдим этишда биз муайян жамиятгагина хос маънавий омиллар билан бирга ҳаётнинг ҳар қайси йўналишидаги инсоний фаолиятни ҳам назарда тутдик. Шу билан бирга, жамият ҳаёти ва ундаги инсонлар фаолияти натижасида юз берадиган барча ўзгариш ва янгиланишлар ҳам ушбу тушунча мазмуни билан чамбарчас боғлиқлиги туфайли муҳим аҳамиятга эга.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ушбу соҳадаги илк изланишларни олим Қ.Назаров амалга ошириб, “Аксиология” китобини яратди ва ундаги қадриятлар соҳасига доир қонунлар “Аксиология қонунлари” тушунчаси учун асос бўлиб ҳисобланади. Мазкур йўналишдаги дастлабки тажриба бўлган ушбу асарда “Аксиология қонунлари” қадриятлар соҳасига доир нарсалар ва ҳодисалар, “мавжуд воқелик ва кечаётган жараёнлар орасидаги ажралмас алоқадорликни, инсон ҳаётининг мазмун-моҳиятини, жамиятдаги ўрни қабилаларни ифодаладиган кўрсаткичлар, қонун-қоидалар мажмуини билдирадиган тушунча” [7;196] эканлиги айтилади.

Ушбу қонун-қоидалар турли шакл ва кўринишда юзага чиқса-да, инсон ҳаётининг мазмуни, яшашдан мақсад ва жамиятдаги қонун-қоидаларнинг таянчи сифатидаги ўрнини йўқотмайди. Асарда файласуф қадриятлар соҳасига тегишли “қадриятларда моддийлик ва маънавийликнинг уйғунлиги; қадриятлар соҳасининг муайян жамият ҳаёти ва инсон фаолияти билан узвий алоқадорлиги қонуни; қадриятларнинг жамият янгиланиши, давр ўзгаришлари ва ижтимоий тараққиётга боғлиқлиги қонуни киради” [7;196] каби қатор аксиологик қонунларни асослаб берган. Муаллиф қадриятларда

моддийлик ва маънавийлик уйғунлиги қонунининг мазмуни ҳамда унинг намоён бўлиш хусусиятларини ўрганишнинг бекиёс аҳамиятига урғу беради.

“Қадриятлар соҳаси”нинг қонуниятлари таҳлилига эътибор қаратсак:

1. *Қадриятлар соҳасининг муайян жамият ҳаёти ва инсон фаолияти билан узвий алоқадорлиги қонуни.* Ҳар бир миллат, давлат, жамият ўз тараққиёт йўлида ўша давр хусусиятларига эга бўлгани каби, танлаб олинган йўл-йўриқ ва тартиблар тизимини ҳам яратиш тарихий заруратлигини намоён этади. Бунинг сабаби оддий: инсон ва жамият ҳаётини қадриятларсиз тасаввур қилиш мумкин эмаслиги сингари инсон ва жамиятсиз қадрият ҳам мавжуд бўла олмайди. Мос равишда жамиятдаги ўзгаришлар қадриятларга, қадриятлар борасидаги янгиликлар жамиятга бевосита таъсирини ўтказади.

Башарият ўтмиши ва ривожланиш тарихига ушбу қонун асосида назар солиш ҳар қайси давр руҳига, шаклланишига қайсидир қадриятлар тизими мос келиши ҳамда бу тизим кечадиган ижтимоий ҳодисалар билан биргаликда намоён бўлишига ишонч ҳосил қилиш имконини беради. Маданий-маърифий, ахлоқий, эстетик, ғоявий соҳаларга оид тушунча ва тамойиллар ҳам бу тизимда алоҳида аҳамият касб этади, қолаверса, улардаги ўзаро тафовутлар тизимдаги ўзгаришлар фонида юзага келади.

2. *Қадриятларнинг жамият янгилиниши, давр ўзгаришлари ва ижтимоий тараққиётга боғлиқлиги қонуни.* Ҳодисанинг ўтмишдан келажакка томон ривожланиш жараёнидаги тарихийлик ва замонавийлик, инкор, ворислик ва янгилинишнинг узлуксизлиги ва давомийлиги билан боғлиқ тамойилларининг мазмун-моҳиятини ифодалайди. Бу қонуният мазмунига кўра, мамлакат тараққий этар экан, ривожланишнинг бир босқичидан иккинчисига ўтилганида ҳамма соҳалар қатори қадриятлар соҳасида ҳам ўзгаришлар юз беради. Албатта, шу пайтгача шаклланган қадриятлардан бутунлай воз кечилмайди, балки янги замон талаб ва эҳтиёжларига мос, янгича дунёқараш маҳсули бўлган янги қадриятлар тизими дунёга келади.

Ушбу жараённинг доимийлиги эса қадриятнинг ижтимоий ҳаёт ва ривожланиш билан чамбарчаслигини ифодалаб, шундай хулосага олиб келади:

маълум бир давр воқелигида ўша ривожланиш босқичига хос ахлоқий тушунча ва тамойиллар устувор бўлганидек, янги ижтимоий воқеликка ҳам янгиланган қадриятлар тизими мос келади. Баъзан ижтимоий воқелик ёки жамиятдаги қадриятлар атрофдаги ўзгаришлардан бироз орқада қолиши ёки аксинча, олдинга ўтиб кетиши мумкин, лекин бу жуда камёб ҳодиса бўлиб, юқоридаги қонуниятнинг йўққа чиқишига сабаб бўла олмайди. Бу эса қадриятларнинг ижтимоий тараққиёт билан мустаҳкам боғлиқлиги тамойилининг туб моҳиятини белгилайди.

Шу билан бирга, қадриятлар тизимининг жамиятдаги устувор ғоя ва мафкура, маданият ва маърифат каби алоҳида соҳаларга боғлиқ бўлган талай қонун-қоидалари мавжуд. Улар санаб ўтилган қонунлар билан қадриятларга хос қоида ва меъёрлар тизимини ҳосил қилади ва ўз ўрнида муайян соҳадаги нарсга ва ҳодисалар, турли жараёнлар воситасида юзага чиқади. Бундай тизимни ҳозирги кундаги ўзгаришлар билан уйғунликда тадқиқ қилиш назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Чунки бу ҳолат бутун дунёда бўлаётгани каби Ўзбекистонда юз бераётган улкан ўзгаришларнинг қадриятлар соҳасига хос томонларини кузатиш, тўпланган илмий далилларни амалда қўллаш ҳамда келажак вазифаларни, чора-тадбирларни тузиб олишга шароит яратади.

Ижтимоий-аксиологик томондан қараганда қадриятлар соҳасига хос тамойиллар алоҳида шахс ва субъектлар фаолияти давомида шаклланади ва ижтимоий ҳаётдаги ҳамма соҳалар унинг такомиллашувига ўз таъсирини ўтказади. Ўз навбатида, қадриятларнинг ўзи ҳам ҳаётнинг барча йўналишларидаги таъсирини сақлаб қолади. Аксиология қонунларининг мавжудлиги ва яшовчанлигини таъминлайдиган ижтимоий фаолият жамиятдаги маънавий қадрият ва жараёнлар мажмуи сифатида амалдаги тарихий даврнинг соҳага доир талаб ва эҳтиёжларини намоён этади. Бу жиҳатдан, аксиология қонуниятлари “жамият ҳаётининг йўналишлари билан узвий боғлиқ тарзда намоён бўлади ва шу асосдаги маънавий тамойиллар ёрдамида амал қилади” [7;196].

Шу боис, маънавий ҳаётга хос бўлган ўзаро ҳаракат шахслараро муносабатларга асосланади. Аксиологик ёндашув маънавий ҳаётда яратилган нарс ва ҳодисалар инсон ҳаёти учун қай даражада аҳамият касб этишини асослаб беради. Демак, маънавий ҳаётда юз берадиган ҳар қандай жараёнларда шахс маънавий қадриятларни ўзлаштириши, ўзгаларга улашиши билан тараққий эттиради. Соҳадаги маънавий яхлитлик бу инсоннинг ўзини намоён қилишида ташқи олам билан алоқани чуқур аксиологик қонуниятлар орқали оламга муносиб бўла олиши омилида намоён бўлади. Айни шу омил “Қадриятлар соҳаси” ва “Аксиология қонуниятлари” тушунчаларининг моҳиятини ижтимоий-аксиологик қадрият сифатида маънавий ҳодисалар тарзида ифодалашга имкон беради.

Инсон кун сайин ўзининг ҳаётга, умри мазмунига бўлган ёндашувини бойитиб, олдида қўйилган мақсадларни амалга ошириш давомида ҳаётий қадриятларини юксалтириб боради ва шу аснода ўз “мен”ини топади, ўз маънавий дунёсининг ҳақиқий субъектига айланади. Маълум бўладики, қадриятлар соҳаси инсоннинг ички олами билан боғлиқ бўлиб, ўзини ўзи баҳолаши, мақсад ва интилиши, ҳаётга муносабатидан келиб чиқади. Худди шундай ҳар бир давлатдаги жамият қадриятлари билан аксиологик фаолият ўзаро боғланади, бири иккинчисини тақозо қилади, улар бир-биридан ажратилмайди, яъни жамиятдаги қадриятлар соҳаси кўплаб ижтимоий-аксиологик мезонлар мажмуаси сифатида юзага келади.

Ҳозирги замон илм-фанида аксиология қонуниятлари ҳажман кенгрок тушунчага айланган. Энди уни инсонлар ҳаётининг мазмуни, сифати ҳамда ҳар кимнинг алоҳида инсоний қиёфаси алоқадор бўлган, қадриятлар соҳасига доир маънавий-руҳий мезонлар сифатида кўриш мумкин. Аммо, негадир ижтимоий фалсафа, қадриятшунослик билан шуғулланаётган мутахассислар бу соҳага доир масалаларга етарлича эътибор қаратишмайди. Аслида, ҳаётий фаолият билан қадриятларнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлайдиган иқтисодий, ижтимоий, маданий, ахлоқий омилларни ўрганиш бўйича кўплаб масалалар очиқ турибди. Шу билан бирга, қадриятлар соҳасининг жамият

ҳаёти, ундаги аксиологик маданият, ахлоқ, мафкура билан боғлиқ жиҳатларини ҳам чуқурроқ ўрганиш вақти келди.

Шу билан бирга, кадриятлар соҳасидаги ўзгаришлар ривожда ташқи таъсирларни кўздан қочирмаслик ва бу борада жаҳон миқёсидаги таъсир ва таҳдидларни ўрганишда салмоқли натижаларни қўлга киритган йирик олимлар хулосаларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Айниқса, дунёдаги ҳар бир давлат учун нафақат ҳарбий, балки маънавий, маданий, ғоявий таъсир ўтказишга уринадиган омиллари тадқиқ қилган олим З.Бжезинскийнинг “Катта шахмат тахтаси” [2] асарида бу масалалар кенг баён этилган.

Жаҳондаги барча мамлакатлар сингари юртимизда ҳам глобаллашув жараёнлари, ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиши оқибатида юзага келаётган кадриятлар соҳасидаги ўзгаришлар ривож ҳақиқат шундай таъсирлардан холи бўла олмайди, албатта. Америкалик олим С.Хантингтон эса миллий ва маданий ўзликни англашнинг ўзига хос хусусиятларини, бу жараёндаги юксалиш ва пасайиш ҳолатлари билан боғлиқ масалаларни ўз мамлакати мисолида “Цивилизациялар тўқнашуви” [11] асарида таҳлил қилади. Олимнинг дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган бу асари ниҳоятда катта шов-шув ва турлича баҳоларга сабаб бўлди.

Муаллиф асарининг дебочасида таъкидлаганидек, “бу асарни ёзишдан мақсад инсоният олдида турган улкан муаммо – цивилизациялар тўқнашуви ҳавфидан огоҳлантириш эмас, балки суронли дунёдаги аксиологик воқеликни янгича баҳолаш ҳамда келажакда инсоният цивилизацияси ривожини олдиндан башорат қилишга уринишдир” [11]. Аммо асарни атрофлича ўрганиш натижасида муаллифнинг асл мақсади айтган фикрдан фарқланишини, дунёдаги кучлар нисбатининг ўзгариши, Ғарбнинг таназзули ва унинг таъсири камайиб бориши, ғарбона демократия тамойиллари ва моделларини экспорт қилишнинг натижалари кутилганидек бўлиб чиқмаётгани ҳамда булар билан боғлиқ истиқбол уни ниҳоятда ташвишлантираётганини илғаб олиш қийин эмас.

“Қадриятлар соҳаси” ҳар бир давлатнинг маънавий соҳасидаги сиёсатида устувор тушунчалардан бўлиб, унда сўз юритилаётган ҳодисаларга оид кўп хусусиятлар мужассамлашади.

“Аксиология қонуниятлари” тушунчаси “Қадриятлар соҳаси” категориясининг кўпгина зарурий хусусиятларини акс эттирибгина қолмай, бу соҳага тааллуқли ижтимоий, иқтисодий ва аксиологик жиҳатларни ҳам амалий фаолиятида камраб олади. Бундаги муҳим жиҳатлар “Қадриятлар соҳаси” тушунчасига хос йўналишларни танлаб олишда муҳим ўринга эга. Жамият ҳаётининг маънавий мезонлари унинг маънавий ривожланиши омиллари ва механизмлари билан боғлиқ бўлиб, бундай алоқадорлик жамият қадриятлар соҳасига хос бўлган воқеалар ва ҳодисаларда ўз аксини топади. Шу тарзда одамлар ва жамият ҳаётининг маънавий салоҳияти, тизимлилиги ва ижобий барқарорлигига эришилади ҳамда бу жараён самарадорлиги ортишига олиб келадиган қадриятлар соҳасининг туб негизлари ривожлана боради. Натижада жамият ҳаётининг маънавий асослари янада мустаҳкамланади ва аксиология қонуниятлари барқарорлашади.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятдаги субъектларнинг қадриятлар соҳасидаги таянч омиллардан бўлган аксиология қонуниятларини таърифлашда ундаги ҳодисаларнинг хос белгиларини, генезиси ва трансформациясини ҳам эътиборга олиш лозим. Шу билан бирга аксиология қонуниятларига тегишли элементларни, унинг мазмун-моҳиятини англаш талаб қилинади.

Аксиология қонуниятлари жамият ва инсон ҳаётидаги энг юксак маънавий мезонлар, инсоний қадриятлар ҳосиласи ҳисобланади. Улар маънавий ва руҳий жараёнлар асосида вужудга келади. Ўз навбатида, инсонларда маънавий эҳтиёжлар туғилади, муайян қадриятларнинг пайдо бўлиши ва ёйилиши ҳолати юз беради. Қолаверса, аксиология қонуниятлари бевосита халқ ҳаётидаги ижтимоий, иқтисодий, экологик, аксиологик, маърифий, маданий соҳаларга ва ҳар бир киши ҳаётига таъсир ўтказишини назарда тутди. Ўз навбатида, жамият ҳаётини йўлга қўйишда қадриятлар

соҳасининг бошқа йўналишлар билан ўзаро боғлиқлиги ва узвий муносабатда юзага чиқиш тамойилларига устувор аҳамият қаратиш кераклигини билдиради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
2. Бжезинский З. Великая Шахматная доска. – Москва: Международный отношения, 1998. – 254 с.
3. Зияев Ф. Маънавият тушунчаси ва унинг илмий-амалий талқини. //Миллий ғоя – бизнинг ғоя (Матн). – Тошкент: Турон замин зиё, 2016. – 194 б.
4. Мўминова З. Маънавий борлиқнинг синергетик таҳлили. – Самарқанд: Зарафшон, 2016.
5. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2009. –Б.333
6. Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007.
7. Назаров Қ. Аксиология. – Тошкент: А.Қодирий, 1994.
8. Фалсафа: изоҳли луғат. – Тошкент: ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2008. – 419 б.
9. Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. – Тошкент: Маънавият, 1997.
10. Эргашев И. Демократия – миллий ва умумбашарий қадрият // Жамият ва бошқарув, 2004. – № 1. – Б.12-13.
11. Samuel P. Huntington. “The clash of civilizations and the remaking of world order”. - New York, 1996.